· *Долзарб муаммо*



# ШОЛИЧИЛИКДА БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

## Оз эмас, ваҳоланки, бунга йўл қўймаслик учун ҳамма зарур шарт-шароитлар мавжуд

***РЕСПУБЛИКАМИЗДА жон бошига илмий асосланган гуруч миқдори 17 кило бўлиб, йилига камида 400 минг тонна гуруч ёки 650 минг тонна шоли етиштириш лозим. Амалда эса 157 минг гектар майдонга шоли экилиб, ўртача 30-35 центнердан ҳосил олинмоқда. Ҳолбуки, ҳосилдорликни бундан ҳам ошириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бунга илмий асосланган агротехник тадбирларни, яратилаётган янги навларни татбиқ этиш, уруғчиликни тўғри йўлга қўйиш билангина эришиш мумкин.***

КЕЙИНГИ йилларда шоликор олимларимиз юқори ҳосилли, юмалоқ ва узун гуруч берадиган, касалликларга чидамли, ётиб қолмайдиган, ўриб-йиғиб олишда техникаларга мос, технологик сифати жиҳатидан аъло янги шоли навларини яратганлар. Чунончи, «Авангард» навининг яратилиши ва кенг жорий этилиши билан аввалги УзРОС-59 навига нисбатан биринчи навли гуруч чиқиши 13-15 фоиз кўпайди, ўрим-йиғим давридаги нобудгарчилик камайди. Ҳозирги пайтда асосий майдонни эгаллаган «Нукус-2» нави районлаштирилиши билан комбайнларнинг иш унуми ошиши ҳисобига ўрим-йиғим муддати икки баробар қисқарди, нобудгарчилик камайди. Бу янги ўрта ва эртапишар навлар 55-70 центнер ҳосил беради. Умуман, шолидан 60-80 центнердан ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқилган. Янги навлардан ва ишлаб чиқаришга тақдим этилган технологиядан тўғри фойдаланган хўжаликлар, бригадалар йил сайин 50-70 центнердан ҳосил олмоқдалар.

Бироқ, республика шоличилигидаги бугунги аҳвол давр талабига жавоб бермаяпти, имкониятлар тўла ишга солинмаяпти. Натижада охирги йилларда республикамизда шоли етиштириш ҳажми 500-530 минг тоннадан ошмаяпти. Меҳнат, хомашё ва пул ҳаражатлари эса ошиб бормоқда, маҳсулот сифати яхшиланмаяпти, соҳанинг самарадорлиги паст ҳолича қолмоқда.

Бунинг асосий сабаблари шундаки, инженерлик усулида қурилган асосий шолипоя майдонларида узоқ вақтдан буён (15-20 йил) текислаш ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш жуда суст олиб борилганлиги оқибатида кўп ерларнинг, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси шолипояларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган. Хўжаликларда алмашлаб экиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кўпгина хўжаликларда бир ерда сурункасига 15-20 йил давомида шоли экиб келинмоқда. Оқибатда ер унумдорлиги ва ҳосилдорлик пасайиб, шолипояда бегона ўтлар, айниқса, ёввойи қизил гуручли шоли кўпайиб кетиб, уруғчиликни издан чиқармоқда. Қизил гуручли шоли касалликларни кўп тарқатибгина қолмай, гуруч сифатини ҳам кескин ёмонлаштириб, хўжаликларга моддий зарар келтирмоқда.

Бозор шароитида хўжаликларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш қийинлашиб бориши, илм-фан билан ишлаб чиқариш орасидаги ҳамкорлик ва умуман, назоратнинг сусайиши натижасида кўп ҳолларда шоли етиштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсияномаларга тўла амал қилинмаяпти. Ерни экишга кеч тайёрлаш, экиш, ўғитлаш ва гербицидлар сепиш муддатларининг бузилиши, ўғитларнинг миқдори ва нисбатларига риоя қилмаслик ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Минтақалардаги уруғчилик хўжаликларида керакли миқдордаги юқори репродукцияли уруғ етиштиришга эътибор берилмаяпти. Йирик шоличилик хўжаликларида махсус уруғчилик бригадалари ташкил этилмаганлиги, моддий рағбатлантириш ва алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, кўпгина уруғчилик участкаларида уруғ агротехникасига риоя қилинмайди, айниқса, ўтоқлаш кўп хўжаликларда ўтказилмаслиги натижасида бегона навлар ва ёввойи қизил шоли кўпайиб бормоқда.

Шоличиликда иқтисодий ислоҳот амалга ошмаяпти, ишлаб чиқариш муносабатлари, мулкчиликнинг шакллари ўзгармади, деҳқон ерга ва маҳсулотга эга бўла олмаяпти. Хўжаликлар шартномада кўрсатилган шолисининг асосий қисми (80 фоизи)ни давлат буюртмасига асосан қатъий белгиланган баҳода сотаётгани бозор муносабатлари талабларига зид бўлиб, ижарачиларни рағбатлантирмаяпти. Ишни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш усуллари деярли ўзгармади. Натижада охирги 2-3 йил ичида илғор хўжаликларда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетди.

Техникаларнинг ҳаддан ташқари қимматлашиб, уларни ишлатиш учун сарфланадиган харажатларнинг ошиб бориши натижасида хўжаликларнинг техника, эҳтиёт қисмлар, ёнилғини керагича сотиб олишга қурби етмасдан, технологик жараёнлар мажбуран бузилмоқда, бу ҳосилдорликка ва, умуман, соҳанинг самарадорлигига акс таъсир этмоқда. Бундан ташқари, махсус шоли экиш ва маданий ўғитлар солиш агрегатларининг йўқлиги сабабли, уруғлар бир текис сепилмай, мўлжалланган ҳосил олинмаяпти. Ўрим-йиғим комбайнлари ва дон тозалаш-қуритиш агрегатлари шоли учун мослашмагани ва мукаммал ишламаганлиги учун ҳосилнинг 15-20 фоизи далада, хирмонда нобуд бўлмоқда ва намлиги юқори бўлган донларни омборларда сақлаш даврида сифати ёмонлашмоқда.

Бу камчиликларга қарамай, ҳозирги шароитда янги навларни, ишлаб чиқилган технологияни барча майдонларда жорий этиш ҳисобига республикада шолининг ўртача ҳосилдорлигини 40-45 центнерга етказиш имкониятлари бор. Бунинг учун республиканинг шоличиликка қулай табиий иқлим ва тупроқ шароитларидан тўла фойдаланиш, илм-фан ютуқларидан ва илғор тажрибалардан фойдаланиб, бозор шароити талабларини ҳисобга олиб, соҳада илмий ишларни ривожлантириш ва бир қатор ташкилий, хўжалик ва иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим.

Кейинги йилларда республикамиз аҳолисини дон билан таъминлаш мақсадида 1 млн. 360 минг гектар суғориладиган майдонга кузги ғалла экилди. Бу ерлардан самарали фойдаланиш учун такрорий экинларга катта эътибор берилмоғи лозим. Буни ҳисобга олиб, олимларимиз янги серҳосил, эртапишар навларни яратишлари керак.

Ернинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва далани бегона ўтлардан, ўзга навлардан, қизил ёввойи шолидан тозалаш, сув ресурслари, ўғит ва заҳарли моддаларни тежаш мақсадида 2-3 йил ичида барча шоличилик хўжаликларида шолини алмашлаб экишни ўзлаштириш зарур.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида тавсия этилган алмашлаб экиш схемасига бир оз ўзгартиш киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тез-тез юз бериб турадиган сув танқислигини ҳисобга олиб, илм-фан томонидан тавсия этилган 9 далали алмашлаб экиш схемасида 3 та далани беда учун, 5 та далани шоли учун ва битта банд шудгор учун ажратиш керак. Ерлари шўр ва зах сувлар яқин бўлган Сурхондарё вилоятида ва Тошкент вилоятидаги «Шоликор» жамоа хўжалигида 4 далали шоли — шудгор (3 та дала шоли ва битта банд шудгор) алмашлаб экиш схемасини ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сирдарё вилоятида ва Тошкент вилоятининг А. Навоий номли хўжалигида 7 ва 9 далали алмашлаб экиш схемасини жорий этиш керак. Барча шоли экадиган вилоятлар, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида банд шудгор учун ажратилган далаларда шолини ўриб олгандан кейин кузги буғдой ёки кузги жавдар ёки баҳорда дуккакли дон (соя, мош) экиш тавсия этилади. Бундай (20 минг гектарга яқин) далалардан гектарига 40-50 центнердан бошоқли дон ҳосили олиш мумкинлиги илм-фан ва илғорлар тажрибасида исботланган. Шоликор хўжаликларда фақат банд шудгор ҳисобига 80-100 минг тоннагача соя дони етиштириш имконияти бор.

Кўп жойларда ишдан чиқиб қолган шолипояларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш керак. Сув танқислигини ҳисобга олиб, катта маблағларни шоли учун янги ерларни ўзлаштиришни эмас, балки эскириб, ишдан чиқиб бораётган инженерлик усулидаги шолипояларнинг мелиорациясини тубдан яхшилашга сарфлаш зарур. Мелиорация-текислаш ишлари фақат экинлардан бўшаган банд шудгорда ўтказилиши лозим. Шунинг ҳисобига республика бўйича ҳосилдорликни 4-5 центнер кўтариш мумкин. Бунинг учун шоли экадиган ҳар бир туманда хўжалик ҳисобида ишлайдиган йирик мелиорация гуруҳи бўлган корхоналар ишини қайтадан кучайтириш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш муносабатларини бозор талабига мослаш, ҳар хил мулкчилик шаклларини ривожлантириш, хўжалик ҳисобини кучайтириш одамларнинг ишга бўлган муносабатларини ўзгартиради, албатта. Бозор муносабатларининг ҳозирги бошланғич босқичида йирик ихтисослашган 41 та шоличилик хўжалигида бригада тизими сақланиб, унинг таркибидаги 5-8 тагача (ҳар бири 40-60 гектарлик) инженерлик хилидаги шолипоялар ижарачи-сувчиларга бириктирилиб, меҳнат ҳақи йил охирида иш натижасига қараб белгиланиши шарт.

Бозор шароитининг кейинги босқичида агросервис хизматлари тўла йўлга қўйилгандан сўнг бригада тизими ўз мавқеини йўқотиши мумкин. Бундай шароитда шолипоялар давлат томонидан ижрачи-сувчига узоқ муддат фойдаланишга ва келажакда бу ерга меросхўрлик ҳуқуқи билан бириктириб қўйилиши мумкин. Давлат буюртмаси ўрнига шолини харид қилишда навларнинг сифати ҳисобга олинувчи эркин баҳоларга ўтиш зарур.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, илм-фан ютуқлари ва келажакда яратиладиган янги навлар ва илғор агротехникани шоличилик хўжаликларининг барча майдонларида жорий этиш ҳисобига ҳосилдорликни 50-55 центнерга етказиш мумкин. Алмашлаб экиш жорий этилса, шолига сарфланадиган сув, маданий ўғитлар, заҳарли моддалар камайтирилса, атроф-муҳит, айниқса, Орол ҳавзасидаги экологик вазият анча соғломлашади. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кўпайиб, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланади.

**З. АБДУЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон шоличилик илмий-тадқиқот институти директори.**

***Ўзим ҳеч қачон кўрмаган даҳшатли уруш сўзини эшитганимда ёҳуд ўқиганимда юрак-бағрим эзилиб, ичларим тўкилиб кетади. Эшитмасликнинг, ўқимасликнинг эса сира иложи йўқ.***

# ОЛТИН ҲАЙКАЛ



Урушнинг тугаганига 50 йил бўлса-да, унинг совуқ башараси, кўримсиз қиёфаси ҳар кўнгилда, ҳар хонадонда оғир асорат қолдирган. Беихтиёр, охиратлари обод бўлсин, дадамни эслайман. Уруш бошланганда эндигина ўрта мактабни битирган ўспирин жангга кетади. Қон кечиб, Берлингача бориб, 1945 йилда қайтиб келади. Ана ўшандан бошлаб то умрининг охиригача дадамнинг бирор кун соғ кўрганимни эслолмайман. Охири урушда олган жароҳатлари битмасдан 63 ёшда оламдан ўтиб кетдилар. Бундайлар Ўзбекистонда минглаб топилади. Урушдан қайтиб келгач, хотинининг бошқа бировга эрга тегиб кетганини эшитгандан сўнг ақлдан озиб, исмини ҳам унутиб, у дунёга Тақирагул номи билан кетган киши ҳам сира хотирамдан кетмайди. У эртадан кечгача кўчаларда тентираб юрар, бир оғиз сўз айтмас, гўёки ҳамма нарсани унутгандай эди. Биз бир тўда қизалоқлар «Тақирагул жинни, Тақирагул жинни», деб ортидан қувалардик. Болалигимизга бориб тош отган пайтларимиз ҳам бўлган. У бизга маъюс ва ёлворувчан бир нигоҳ ташларди-ю, яна йўлида давом этарди. Чиндан ҳам жиннимиди, соғмиди, билмадиму, лекин ҳеч кимга зиёни тегмасди. Кечқурун қай қўшниси чиқарган бир коса овқат билан қорин тўйдирарди. Энди билсам, унинг мисолида урушнинг мудҳиш оқибатларидан атиги бир заррасинигина кўрган эканман, холос. Бутун маҳалла аҳли Тақирагулнинг ош-овқатидан, кийим-кечагидан хабардор бўлиб турди, ўлигини иззат-икром билан кўмишди. Ўша пайтларда одамларда бойлик бўлмаса ҳам, меҳр-оқибат бўлган экан-да. Ҳар куни эрталаб ишга боришда ва кечқурун уйга қайтишда шаҳримизнинг «Халқлар дўстлиги» майдонида жойлашган концерт саройи саҳнида тошкентлик машҳур оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг умр йўлдоши Баҳри аянинг уруш йилларидаги инсонийлигидан, меҳр-муҳаббатидан, муруввату оқибатидан ҳикоя қилиб турувчи ҳайкал ёнидан ўтганимда, бағри кенг ва буюк халқнинг фарзанди эканлигимдан бошим осмонга етади. Ана шу ҳайкал пойига ҳамиша гуллар тўшалишини ва тавоф этишимизни орзулайман.

***

— Мен 17 ёшда эдим,— дейди уруш йилларини эслаб ҳозирда пенсионер Кимёхон ая Йўлдошева. — Эрта-индин поездда уруш бўлаётган жойлардан қариялар, аёллар келармиш, деган овоза тарқалди. Бутун шаҳар аҳли вокзалга кўчиб чиққандик. Келганларнинг аҳволини кўриб роса йиғлаганман. Қоринлари оч, уст-бошлари юпун, кир-чир, битлаб кетишган, кўплари касалманд ва ялангоёқ эдилар. У кунларни бизлар кўрдик, сизлар кўрманглар, илоҳим. Айниқса, ёш болаларнинг аҳволи оғир эди. Кўпчилигининг ота-онаси урушда ўлиб, етим қолишган экан. Вокзалга чиққан ҳар бир одам икки-учтадан бола олиб уйига қайтган. Бўлмаса бир бурда нонни зўрға топиб, ўзининг бир этак боласини амал-тақал билан боқиб турганлар бола асраб олишармиди? Эл-юртдан ортиб қолган болаларгина болалар уйига жўнатилгани кечагидек ёдимда. Бугун-чи?! Кишилар қанча тўқ, фаровон яшашса-да, меҳр-оқибатдан шунчалик узоқлашмоқдалар. Ҳаттоки, битта «дом»да яшаб туриб ҳам бир-бирларини танишмайди. Ўзининг туққан боласини дуч келган жойларга ташлаб кетаётган инсофсизлар қанча?!

Кимёхон аянинг гапларини тинглаганча хаёлларга бериламан. Шодликдан кўра ғам-ташвиш одамларнинг бошини бириктириб, мурувватли қилиб қўярмикан? Ёки меҳр-оқибат тушунчалари ҳар кимнинг ўзига боғлиқмикан, ким билади дейсиз?! Ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган одамийликка амал қилмасак, Шоаҳмад ака билан Баҳри аяларнинг хотирасини унутган бўлмаймизми, ахир! Бу икки жафокаш уруш йилларида кўчириб келинган болалардан 16 нафарини тарбиялаб, вояга етказди. Ўзбек, рус, татар, яҳудий, чуваш, молдаван фарзандлари эди улар. Биртасини ҳам Баҳри хола туққан бўлмаса-да, барчаси уни ўз онам деб, ўзбек тилини эса она тилим деб билдилар. Кейинчалик уруш тугаб, улардан баъзи бирларининг ота-онаси топилиб, олиб кетгандан кейин ҳам болалар ўзлари паноҳ топган хонадондан оёқ узиб кетмадилар. Аксинча, борди-келдилар янада мустаҳкамланди.

«Тошкентга келиб болалар уйлари олдида бола олиш учун навбатда турган одамларни кўриб ҳайратга тушдим»,— деб ёзганди болалар шоири Корней Чуковский. Бу ўзбек халқининг бағри кенглиги ва болажонлигига берилган энг ихчам ва энг чиройли таърифдир. Чиндан ҳам ҳар бир ўзбек ўзининг имконияти даражасидаги меҳнати билан душман устидан ғалаба қозонилишига катта ҳисса қўшди. У умумижтимоийлик касб этади. «Сен етим эмассан», деб болаларнинг кўнглини кўтарган Ғафур Ғуломнинг шу номли шеъри уруш йиллари шеъриятининг гултожи бўлиб қолди. Раҳмат Файзийнинг халқимизнинг фидойилиги Шоаҳмад ака ва Баҳри аялар тимсолида тасвирланган «Ҳазрати Инсон» романи яратилди. Ушбу роман асосидаги «Сен етим эмассан» кинофильми эса ўзбекнинг довруғини бутун дунёга танитди.

***

Минг шукурки, уруш бизнинг ғалабамиз билан якунланди. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом кутган «оппоқ тонглар» отди, зулмат ортда қолди.

Энди бевосита «Халқлар дўстлиги» саройи саҳнидаги ҳайкалга қайтадиган бўлсак, уни сиз ҳам кўргансиз, азиз юртдошларим. Фақатгина байрам кунларида эмас, балки вақти-вақти билан бу ерга келмоққа одат қилайлик, муқаддас зиёратгоҳ деб билайлик. Негаки, бу ҳайкал нафақат Шоаҳмад ака билан Баҳри аянинг, балки она-юртимиз Ўзбекистоннинг, ҳар бир ўзбекистонликнинг уруш йилларидаги жасоратига қўйилган олтин ҳайкалдир!

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

· *Маънавий қадриятларимиз*

## ЎТМИШ ДАРАКЧИЛАРИ

Юртимиз мустақил бўлганидан сўнг турли соҳаларда бевосита чет эллар билан алоқалар йўлга қўйилмоқда. Бугун фақат иқтисодда эмас, балки илмий ҳамкорлик борасида ҳам кенг имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти олимлари ҳам ўз изланишларида бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан яқиндан мулоқотда бўлмоқдалар. Франциянинг тадқиқотлар миллий маркази, Германиянинг Немис археология институти, Польшанинг Варшава ва Познань университетлари, Россиянинг қатор илмий ташкилотлари шулар жумласидан. Бундан мақсад — ўзбек фани, қадим маданияти ва тарихини дунёга танитишдир.

— Биз улар билан фақат илмий ҳамкорлик қилиб қолмай, балки илгари четга олиб чиқиб кетилган маданий ёдгорликларни Ўзбекистонга қайтариш муаммолари билан ҳам шуғулланмоқдамиз, — дейди институтнинг директори, тарих фанлари доктори Темур Ширинов. — Чунки сўнгги юз йил давомида Туркистон ҳудудидан минглаб тарихий ашёлар Россияга, Европа мамлакатларига олиб кетилди. Олдимизда уларни излаб топиш, рўйхати ва каталогини тузиш, сўнгра имкон борича юртимизга қайтаришдек мураккаб вазифа бор.

Яқинда Археология институтининг Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи билан ёзишмалар олиб бориш натижасида умумий сони 1847 дона қадимий тангалардан иборат иккита «хазина-топилма» тўлиғича Самарқандга олиб келинди.

Биринчи хазина 1976 йилда Афросиёбдан топилган бўлиб, милодий эранинг V-VI асрларида Самарқандда зарб қилинган. У камончи тасвири туширилган 1350 дона кумуш тангадан иборатдир.

Иккинчи хазина 1984 йилда Ерқўрғондан (қадимги Қарши) топилган. У милодий V-VIII асрларда Нахшабда зарб қилинган 487 дона мис танга-пулдан иборат. Ушбу тангалар араблар истилосигача бўлган даврга оид энг йирик танга-пул хазинасидир. Бу дафина Ўзбекистон тарихининг қарийб икки юз йиллик даврини ёритишда қимматли манба сифатида хизмат қилади.

Ҳар иккала хазина 1984—1988 йилларда Эрмитажнинг нумизматика бўлими мудири, дунёга танилган олим, тарих фанлари доктори Е. В. Зеймалга тадқиқ қилиш учун юборилган экан. Тадқиқот натижасида қўлга киритилган илмий ютуқлар VI жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ёзишда қўлланилмоқда.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Косонсой туманидаги Ёзқули Худойбердиев номли ширкатлар уюшмаси аъзоси, уруш қатнашчиси Отахон Бобохўжаев ҳар йили пиллакорларга 10 гектар майдондаги тутзорни парваришлаб, ипак қурти учун озуқа етказиб беради.***

***СУРАТДА: пиллакорлар мададкори Отахон Бобохўжаев ширкатлар уюшмаси раиси Зоиржон Мирсаидов билан.***

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

*МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГДАГИ* **"SONY"** **БЎЛИМИ**







**ЧИНАКАМ ЯПОНЧА СИФАТ!**

**30% СИЙЛОВ**

**МУМ, Ўзбекистон к., 17**
**Тел.:(3712)33-08-11**

**Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдориси даркор!!!**





**"Тридцать Плюс" кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз. "Тридцать Плюс" нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.**

*Харид қилиш масаласи бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:*
" АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД" ФИРМАСИ:
*Тошкент, 700060,*
*Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.*
*Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70*
*Телефакс: (3712) 33-84-71*
*ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари:*
*"Ибн-Сино" дорихонаси:*
*(3712) 44-24-34, 40-44-83.*
*"Фармед" дорихонаси:*
*(3712) 47-98-90.*

"Тридцать Плюс" - ёшлик ва соғломлик демакдир.

## АҲОЛИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» концернининг республика матбуот тарқатиш маркази қуйидаги нашрларга 1995 йилнинг иккинчи ярмига обуна очилганлигини маълум қилади.

**Республика нашрларидан:**
«Оила ва жамият»
«Бизнес-Вестник Востока»

**Россия Федерацияси нашрларидан:**
«Аргументы и факты»
«Медицинская газета»
«Рабочая трибуна»
«Труд»
«Экономика и жизнь»

Ёдингизда бўлса, бу нашрларга шу йилнинг фақат биринчи ярмига обуна қабул қилинган эди.

Обунани барча алоқа бўлимларида ва обуна қабул қилиш пунктларида расмийлаштиришингиз мумкин.

***Қўшимча маълумотларни 33-67-98, 34-83-87, 33-60-78 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.***

## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий ўқув режаларига мувофиқ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 1994-95 ўқув йилида давлат имтиҳонларини факультетлар бўйича қуйидаги муддатларда ўтказади:

| №№ | Факультетлар | Муддатлари |
|---|---|---|
| 1. | Мактабгача тарбия педагогикаси, физика, математика, меҳнат, бадиий графика, биология, география, кимё | 1.VI. — 30.VI. 1995 йил. |
| 2. | Тарих, бошланғич таълим методикаси, дефектология (олигофренопедагогика, сурдопедагогика). | 1.VII. — 31.VII. 1995 йил. |

Шу муносабат билан институт раҳбарияти жойлардаги мактаб директорлари, халқ таълими ташкилотлари раҳбарларидан битирувчиларга давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва муваффақиятли топшириш учун зарур шароитлар яратиб беришни сўрайди.

**Низомий номидаги ТДПИ ректорати.**

«Ихтирочи» кичик давлат корхонаси тугатилади. Барча даъволар ва шикоятлар эълон газетада чоп этилгандан сўнг бир ой мобайнида қабул қилинади.
***Тел.: 44-11-20.***

25 апрель, соат 15.00да Тошкент мактабгача тарбия педагогика билим юртида **«Очиқ эшик»лар куни ўтказилади.**

**Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 178.**

***13-, 34-, 77-автобуслар, 2-, 12-троллейбуслар, 4-, 9-трамвайларнинг «Оқ тепа» бекати.***




**"Диёр" савдо уйига юқори сифатли ва мақбул нархларда янги моллар келди.**

*Италия, Сингапур, Малайзия, Сурия, Болгарияда тайёрланган мебеллар - меҳмонхона, овқатхона, ётоқхона ва ошхона гарнитурлари, юмшоқ мебеллар тўпламлари, сервантлар, бурчакли юмшоқ мебеллар, ошхона мебеллари тўпламлари, столлар, стуллар, суянчиқли юмшоқ курсилар, шунингдек ҳар хил гилам ва гилам буюмлари.*

**Харид қилишга шошилинг ва Сиз бизнинг нархларга рақобат йўқлигига амин бўласиз!**

***Бизнинг манзил:***

**Тошкент ш.:**
10-дўкон, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. Тел.: 45-77-43
2-дўкон, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45. 45-78-62
1-дўкон, Усмон Носир кўчаси, 30а. 55-14-84

*Савдо уйи дўконлари Андижон, Бухоро, Самарқанд, Хева, Фарғона, Қўқон ва Термиз шаҳарларида ҳам ишлаб турибди.*

